

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши.....	72
Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ	
Қарши топонимлари тадқиқотчиси.....	76
Н.АЛИБОЕВА	
Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши.....	80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш.....	84
А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ	
Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари.....	88
Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ	
Лицей, колледж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш.....	92
Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ХОМИДОВ	
Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психолого-коррекцион усусларнинг мослиги ва самараадорлиги муаммолари.....	96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЎМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндинсисининг максимумини баҳолаш ҳақида	100
---	-----

А.ЮСУПОВА, С. ЎКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида	102
--	-----

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий мухит	104
---	-----

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима	106
--	-----

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрӯз лирикаси	109
-----------------------------	-----

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	111
--	-----

Л.СИНДОРОВ

“Хибатул-ҳақоқиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида	113
---	-----

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир.....	116
---	-----

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий мухитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили.....	118
--	-----

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги	121
--	-----

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи.....	124
---	-----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собиқ олий педагогика институти)нинг иккинчи

директори Босит Қориев	127
------------------------------	-----

УДК: 41

ҚАРШИ ТОПОНИМЛАРИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Х.Жабборов, Э.Жабборов

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон топонимикаси тадқиқида ўзига хос ўрин тутган профессор Тўра Нафасовнинг “Қарши шаҳри кўча ва маҳалла номлари” луғатидан ўрин олган топонимлар хусусида сўз юритилган. Олимнинг шаҳар топонимикаси тадқиқига багишланган ушбу ишига иммий баҳо берилган.

Аннотация

В данной статье речь идет о топонимах, встречающихся в словаре Туры Нафасова “Названия улиц и махаллей города Карши”, имеющего особое значение в изучении топонимики Узбекистана. Данная научная оценка данному труду ученого, посвященного изучению городской топонимики.

Annotation

In this article we are talking about the toponyms "Names of streets and makhallas of the city of Karshi", which have a special place in the study of toponymy of Uzbekistan, found in the Dictionary by Nafasov. A scientific evaluation of this work of the scientist devoted to the study of urban toponymy is given.

Таянч сўз ва иборалар: топоним, антротопоним, микротопоним, гидротопоним, этнотопоним, Қарши, махалла номлари, кўча номлари, мавзувий гурӯхлар.

Ключевые слова и выражения: топоним, антротопоним, микротопоним, гидротопоним, этнотопоним, Қарши, названия махаллей, названия улиц, тематические группы.

Keywords and expressions: toponym, anthrotoponym, microtoponim, hydrotoponym, ethnтопоним, Karshi, mahalla name, street name, thematic groups.

Қарши шаҳри топонимикаси тадқиқотлари бевосита профессор Тўра Нафасов фаолияти билан боғлиқдир. Шаҳар топонимлари хусусида олимнинг ўнлаб мақолалари, алоҳида рисоласи мавжуд. Масалан, “Қашқадарё область топонимларини ўрганишга доир” (1966), “Қашқадарё этнотопонимларига доир” (1970), “Қашқадарё ва қашқа компонентли топонимлар” (1976), “Қашқадарё область жой номлари “Қизил китоби” (1989), “Қарши ҳокимлигининг номлаш комиссияси иш тажрибасидан” (1993), “Қарши номи ва исми ҳақида” (2004), “Наҳшаб ва Кеш воҳасининг қадимий жой номлари” (2005) сингари мақолалари ва “Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари” (2008) рисоласи шулар жумласидандир. Айниқса олимнинг “Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари” китоби фактларга бойлиги, вилоятимиз маркази саналган Қарши шаҳрининг маҳалла ва кўчалари номларининг ўтмиши ҳамда бугунги кундаги қиёфаси хусусида кенг маълумотлар берувчи асар эканлиги билан алоҳида ажralиб турди.

Китоб “Сўз боши”, “Қарши - шаҳар номи, киши исми”, “Ўзбек хунармандчилиги ва Ўзбекистон топонимияси” номли қисмлардан ва “Қарши шаҳар маҳалла ва кўча номларининг изоҳи”, деб номланган луғатдан иборат. Китобнинг асосий қисми – луғатда вилоятимиз марказига тегишли маҳалла ва кўча номлари, сув йўллари ва манбалари номлари, қадимий

обидалар ва тепалар номлари сингари микротопонимларга кенг ёки қисқа изоҳ берилган.

Асарнинг “Сўзбоши”сида 2700 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарнинг кечмиши ва бугунги тараққиёти хусусида фикр юритилади. Эскишаҳар қисмида сақланиб қолган ва шу худудда яшаб, ўзлари эгаллаган касб-хунар орқасидан тирикчилигини ўтказган шахсларнинг касб-хунари номлари маҳалла ва кўча номларига кўчгани ҳақида фикр юритган Т.Нафасов Чармгар, Кулол, Косягарлик, Қирғиззар, Кўкча, Харрот, Дегрез, Темирчи, Зардўзлик сингари жой номларини қайд этади. Шуни таъкидлаш жоизки, бу номлар яқин ўтмишимизда мустабид тузум таъсирида унтилган ва мустақилликдан сўнг қайта ҳаётини бошлаган номлардир.

Тўра Нафасов ўз умрини қайта бошлаган айrim номлар хусусида қуйидагиларни ёзади: “Қадимий давлатчилигимиз, шаҳар тузилиши билан боғлиқ бўлган сўзлар, номлар, халқ хотирасида сақланиб қолган жой номлари ҳам қайта тикланиб, маҳалла ва кўча номларига айланди: Элчихона, Сарбозхона, Дарвозатутак, Шаршардарвоза, Қарлуқбогот, Хитойбогот, Гулмачит, Оқсарой, Оқмачит, Нова, Беглар, Растангузар, Регистон, Сардоба, Суғдиёна, Наҳшабариқ, Жўйбор, Жавҳарариқ.

Ном – сўз, шаҳримиз тарихининг энг содда, қисқа, ихчам ифодаси, юртимиз кечмишининг аниқ кўзгуси. Шу боис маҳалла ва кўчаларнинг номлари шаҳримизнинг узоқ асрлик тараққиётини тўла акс эттирмоғи

Х.Жабборов – Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари доктори.

Э.Жабборов – Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

ТИЛШУНОСЛИК

лозим... Шаҳримизнинг ўтмишига, ҳозирги ривожига дахлдор бўлмаган тушунчаларнинг ифодаси – сўз жой номига айлантирилмаслиги керак....” [1.6].

Тўра Нафасовнинг шаҳар тараққиёти номларнинг янгиланишига, ўзгаришига таъсир қилиши ҳақидаги қўйидаги фикрлари ҳам эътиборга молиқдир: “...Шаҳримиз гўзал, тароватли бўлгани сари унинг таркибидаги маҳаллалар, кўчалар, оромгоҳлар, хиёбонлар ва бошқа жамоат биноларининг, муассасаларининг номлари ҳам мазмунли, оддий, маҳаллий, замонавий қиёфада бўлмоғи лозим...” [1.7].

Шундан сўнг олим тилдаги оддий қарши сўзи билан Қарши шаҳар номи ва Қарши киши исми ўртасида қандай алоқадорлик мавжудлигини аниқлашга ҳаракат қилади ва таҳлиллар натижасида Қарши жой номининг қадимги шакллари хусусида фикр юритади. Шаҳарнинг энг қадимий номи сифатида Навкат тилга олинади. Маълумки, эроний тилларга мансуб бўлган ном таркибидаги нае – янги, кат – кўргон, янги кўргон маъноларини ифодалайди. Манбада таъкидланишича, Навтак номи шаҳарга, Навтака номи эса вилоятга нисбатан кўпланилган. Навтак ҳозирги Еркўргон харобалари ўрнида пайдо бўлган қадимий шаҳар намунасиdir. У милоддан қарийб саккиз аср олдин курилган. Олим берган маълумотларга кўра, Навкат номининг Европа тилларидаги, жуғрофий номлар тизимидағи ўзлашма шакли Навтак, Навтака бўлган. Номнинг бу шакли дастлаб юнон манбаларида муҳрланган. Сўнгра Европа, Шарқ ва Африканинг бошқа тилларига, элларига ўтган. Накат – бирламчи ном, Навтака – иккиласми, азалий номнинг бузилган шаклиди.

Қарши шаҳрининг илк ўрта асрлардаги номи – Нахшаб, Нақшаб, Нахшаф, Нақшаф сингари фонетик вариантдошликка эга бўлгани хусусида ҳам маълумотлар қайд этилади. Араб манбаларида эса Насаф шаклида учрайди. Нахшаб – сұғда сўз. Барча эроний тилларда об – сув, дарё. Нахшаб – дарё бўйидаги кўргон.

Бир шаҳарнинг турлича ном билан аталишига сабаб, дея кўрсатади Тўра Нафасов, унинг жойлашиш ўрни билан боғлиқдир. Олим берган маълумотларга кўра, шаҳар учун асос бўлган кўргонлар Зоҳакиморон, Еркўргон, Шуллуктепа каби харобалар ўрнида бунёд бўлган. Шаҳарнинг энг сўнгги номи – Қарши.

XVII аср тарихнависи Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, “Кепакхон мўғул у ерда бир кўшк қурган эди, мўғул тилида кўшкни қарши атаганлари учун ўша вақтдан бошлаб Қарши номи билан машҳур бўлди” [1.11].

Бундан ташқари, олим аниқлаган маълумотларга кўра, Қарши-харши-харша сўзининг ибтидоий маъноси тўсиқ вазифасидаги

девор маъносини англатган. Маълумки, ҳар қандай қаср, кўшкнинг бош, бирламчи унсури девордир. Девор – моддий бирлик, инсон фаолияти билан юзага келган ҳосила нарса. Ана шу ҳосила нарса ва у бажарган вазифа тилда қарши сўзини яратган. Тўра Нафасов ана шу қарши сўзининг қадимий маъноси асосида киши исмлари пайдо бўлганини таъкидлайди.

Олим қарши сўзининг яна бир бошқа маъноси, вазифаси ва қўлланиши хусусида ҳам кузатишлар олиб боргани маълум бўлади. Лекин бу ҳолат ўзбекларда сақланмаганини уқтиради. Қардош халқлар, масалан бошқирдларнинг қаршин қабиласи бўлган. Бу қабиланинг қазрай қаршин, қарга қаршин, сатлиған қаршин, ақбаш қаршин каби уруғлари бўлган. Улар Белая (Оқсув) дарёсининг бўйида яшаган. Қаршинлар қангли ва қипчоқлар билан ёнма-ён, аралаш яшагани тарихдан маълум. Бу қабиланинг тамғаси эшик, дарвоза шаклида бўлган. Тамға шаклининг танланиши ҳам халқнинг ибтидоий тасаввури билан боғлиқ. Эшик (дарвоза) нинг вазифаси ҳам тўсиқ бўлиш, яъни очик-ёпик ҳолатда бўлиши маълум. Шу асосда профессор Тўра Нафасов тамғадан этномим ҳосил бўлган, дея хуласа чиқаради. Қаршин сўзи ясама сўз мақомида эканини аниқлайди ва сўзининг асоси қарши, -н эса сўз ясовчи қўшимча мақомида эканини таъкидлайди. Қаршин ясалмаси кўргон қуриқчиси, қаср посбони деган маъноларни англатади.

Олим тадқиқотлари натижасида қарши сўзи турли манбаларда турлича зикрланганини таъкидлаб, шундай хуласага келади: “Таъкидлаш жоизки, номоддий қадрият номини билдирувчи “қарши” сўзи Қарши шаҳар номи, Қарши каби киши исмлари замиридаги манба бир сўздир. Бу сўз туркий, мўғул ва тунгус-манжур каби олтой тиллари учун умумий бўлган тараққиёт даврининг маҳсулидир...” [1.14].

Қадимда кишилар яшайдиган манзил шаҳар мақомини олиш учун ўттиздан ортиқ касб-хунар эгалари шу манзилда яшashi ва ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариши талаб этилган. “Қарши шаҳар маҳалла ва кўча номлари” китобида айнан шу ҳунар турлари санаб ўтилади. Тарихий манбаларда келтирилишича, қадимда шаҳарлар маркази уч қисмга бўлинган. Шаҳар маркази акр, қарши сўзлари билан номланган ва бу масканда ҳукмдорлар, ҳокимият аҳли яшаган ва ўз фаолиятини олиб борган. Арк ёки қарши деб аталган қисмдан ташқарида катта худуд мавжуд бўлиб, бу қисм шаҳристон дея аталган. Шаҳристонда бошқарув тизими билан боғлиқ мансабдор шахслар яшаган ва ўз фаолиятини шу ерда ўташган. Шаҳристондан ташқарида бозорлар, томошагоҳлар, сайлгоҳлар бўлган. Косиб-хунармандлар ҳам шу худудда яшаган.

Работлар, саройлар, карвонсаройлар ҳам шу ҳудудда қурилган. Бу ҳудуд шаҳарнинг ташқи чегараси ҳисобланган.

Касб-кор, ҳунар, бирон машгулот билан шуғулланиш шаҳар аҳлиниң маданияти ва қадрияти ҳисобланган. Улар ишлаган жойларида товарларини сотадиган дўйонлари, расталари бўлган. Ҳар бир касб, ҳунар соҳиблари яшаган, ишлаган, расталари ўрнашган ҳудуд гузар, йўлак билан ажратилган. Яшаган ҳудуди ҳам касб-хунари номи билан аталган. Шунинг учун ҳам шаҳарлар микротопонимияси касб-ҳунар билан боғлиқ, шу асосда яралган номлар кўплаб учрайди. Ном учун асос бўлган сўзлар генетик жиҳатдан форс-тоҷикча ёки ўзбекчадир. Маълумки, даврлар ўтиши билан ҳунар турлари ўзгарган, янгилари пайдо бўлган, бирлашган ёки йўқолиб кетган. Лекин жой номи эса сақланиб қолган.

Хуллас, китобда заргарлик, темирчилик, қозон қуийш, чарм, кўн тайёрлаш, бўйра тўқиш, кулоллик, пўстин тикиш, кося-товоқ ясаш, баҳмал тўқиш, арава ясаш, чўян қуийш, камон ва ўқ ясаш каби 41 номдаги касб-ҳунар номи асосида пайдо бўлган юзлаб маҳалла ҳамда кўча номлари санаб ўтилади.

Қарши шаҳри микротопонимлари ҳақида маълумот берувчи қисм - луғат қисми саналади. Ушбу қисмда маҳалла, кўча, тепа, сувлик номлари, масжидлар, мадрасалар номлари қисқа ёки кенг тарзда изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, Қарши шаҳрининг бор лисоний қиёфасини кўз олдимиизда гавдалантирадиган маълумотларни шу қисмдан топа оламиз.

Профессор Тўра Нафасовнинг ушбу китобига киритилган номларни мавзу асосида қуидаги гуруҳларга бирлаштириб тадқиқ этиш масадга мувофиқ.

1. Тарихий шахс номлари – антропонимлар асосида яралган топонимлар: Амир Темур, Беҳзод, Бобур, Бибихоним, Зебунисо, Беҳбудий каби.

Бу номларнинг аксарияти мустақиллиқдан кейин кўйилган номлар саналади. Масалан, 1990 йилда собиқ “Индустримальная” кўчаси Ўрта асрларнинг энг йирик ва буюк давлат арбоби, саркарда, марказлашган кучли давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси бобомиз Амир Темур номи билан атала бошланди.

Беҳбудий буюк миллатпарвар инсон бўлиб, 1919 йилда Бухоро амирлиги томонидан Шаҳрисабзда ушланиб, Қарши шаҳрида қатл этилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида шаҳар Beҳбудий номи билан аталган. Истиқполдан кейин эса шаҳар кўчаларидан бири Beҳбудий, деб атала бошланди.

Бибихоним – Амир Темурнинг суюкли хотини Сароймұлхонимнинг унвони саналади. Ўзбек халқининг бу доно ва оқила аёли

шарафига истиқполдан сўнг Қарши кўчаларининг бирига унинг номи берилган.

Истиқполдан сўнг Қарши шаҳри кўчаларидан бири Бобурийлар авлодидан бўлган машҳур шоира Зебунисо номи билан атала бошланди. Шунингдек, бир пайтлар Фидель Кастро номи билан аталган кўча Бобур номи билан, Саркисов номи билан аталиб келинган кўча Беҳзод номи билан алмаштирилган.

2. Ҳалқ достонлари ёки уларнинг қаҳрамонлари номи билан аталган жой номлари. Ҳалқимизнинг азалий орзу-интилишлари ҳалқ достонларида куйланган. Достонларнинг бош қаҳрамонлари ҳалқнинг идеалига айланган. Бу эса ономастик сатҳда ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Достон қаҳрамонлари номи асосида фарзандларимизга исм қўйилганига ўнлаб мисолларни айтиш мумкин. Худди шу ҳолатни топонимика сатҳида ҳам кўриш мумкин. Профессор Тўра Нафасовнинг юқорида номи тилга олинган асарида ҳам ана шу асосда яралган бир қатор номлар изоҳланганини кўрамиз. Жумладан, Алпомиш номи бир пайтлар Шапошников номи билан аталган кўчага қўйилди. Барчиной номи эса Махфират Жумаева номи билан аталган кўчанинг ўзгарган, янги номидир.

3. Қабила ва уруғ номлари – этнонимлар асосида номланган этнотопонимлар. Қарши микротопонимиясида бу асосда пайдо бўлган номлар сермаҳсул эканлиги кузатилади: Арабхона, Балхиён, Кийикчи, Манғит, Манғитгузар, Наймантепа, Хитойбоғот, Хитойкўча, Хўjakакўча, Чигатой, Эронигузар каби номлар шу асосда пайдо бўлган. Бирор миллат, элат, уруғ вакиллари яшаган ҳудуд – жой номига уларнинг этник таркибини билдирувчи лексемалар кўчган, этнонимлар асосида этнотопоним яралган.

4. Касб-ҳунар номлари асосида пайдо бўлган топонимлар. Бу турдаги топонимлар жуда кўп ва анча сермаҳсулдир. Зеро, Ўзбекистон топонимикасида ҳам касб-ҳунар номлари асосида яралган жой номлари кўп учрашини мутахассислар ҳам эътироф этадилар. Қарши шаҳри микротопонимиясида шу асосда пайдо бўлган қуидаги топонимлар Тўра Нафасовнинг юқоридаги асарига киритилган ва изоҳланган: Атласчи, Бақирчи, Бинокор, Бўйрабоғ, Курувчи, Меъмор, Газчилар, Геологлар, Гиламбоғ, Гулчи, Дегрез, Дегрезлик, Дечқоншоҳ, Дечқон, Дукчи, Дурадгор, Дутхона, Жевачи, Закотчихона, Заргар, Заргарлик, Зардўзлик, Зиёкор, Зингарон, Эгарчилик, Ипакчилик, Кудунгархона, Кўкча, Кўнчилик, Маорифчи, Мехнатобод, Мехнатчи, Мироб, Мисгарлик, Мискар, Пахтакор, Пахтазор, Посбонлар, Растангузар, Растандарвоза,

ТИЛШУНОСЛИК

Сандиқчи, Сарбон, Спортчилар, Соҳибкор, Сутчилар, Сўзангарон, Тадбиркорлар, Темирийлчи, Темирчи, Тўпхона, Харрот, Хизматчи, Хумдон, Хумдонак, Чармгар, Чилангар, Чўлкувар, Элчихона, Қирғизар, Қозиҳона, Кўшхона, Ғаллачи, Ҳалвогар, Ҳунармандлар каби номларда касб-ҳунар номлари ёки шу касб-ҳунар билан шуғулланувчи шахс номларининг изи борлигини пайқаш қишин эмас.

5. Республикализ ҳудудидаги қадимий ёки кейинги даврларда пайдо бўлган шаҳарлар номи асосида яралган топонимлар. Ономастикада номлашув ҳодисаси мавжуд. Тилимизда аввалдан мавжуд, тайёр ҳолда бўлган ном янги объектни аташга асос бўлади. Қарши шаҳар топонимиясида ҳам бу ҳолат мавжуд: Афрасиёб, Бешкент, Бойсун, Боғишамол, Дехқонбод, Еркўргон, Занжисарой, Захакимарон, Кат, Китоб, Насаф, Нахшаб, Нуристон, Осиё, Самарқанд, Сариосиё, Суғдиёна, Таллимаржон, Чироқчи, Шахрисабз, Яккабоғ, Янгийўл, Ўзбекистон, Қамаши, Гузор каби номлар шулар жумласидандир. Бу номлар ҳам истиқлолдан кейин қўйилган ва Қарши шаҳри топонимик луғат фондини бойитишига хизмат қилган.

6. Сув йўллари манбалари – гидронимлар асосида номланган топонимлар. Сув инсоният учун энг азиз неъматлардан биридир, эро сувсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Қадимдаёқ одамларнинг яшаш манзилгоҳлари сувлоқ жойларда қарор топган. Бу манзилгоҳларни номлаш учун ҳам сув манбалари номи асос вазифасини ўтаган: Амударё, Анҳор, Анҳорбўйи, Ариқбўйи, Баланднова, Батошариқ, Бешкентариқ, Бешнова, Бошариқ, Бўзариқ, Гулбулоқ, Гумбазариқ, Дайровот, Дамшоҳ, Дехқоншоҳ, Жавҳарариқ, Жайхун, Зарафшон, Захариқ, Каттадарак, Катташоҳ/Урташоҳ, Кўлариқ, Кўлбулоқ, Кўлбўйи, Кўлоб, Кўлтепа, Лабижўй, Лойқудук, Мойариқ, Новариқ, Оқдарё, Парчоб, Рўдаксой, Сардоба, Сарҳовуз, Соҳилбўйи, Тошнова, Тошқудук, Тошҳовуз, Узунқудук, Учариқ, Хонариқ, Чимариқ, Шакаржўй, Ширинбулоқ, Шўариқ, Эски Анҳор, Қашқадарё, Қашқадарё соҳили, Қорасув, Қўшҳовуз, Ҳовузбўйи каби.

7. Маълум бир ўсимлик ва дараҳтлар номи асосида пайдо бўлган топонимлар. Боғдорчилик халқимизнинг энг қадимий машғулотларидан биридир. Сув мавжуд бўлган

ва ер шароити қулай бўлган жойларга дехқончилик қилиш билан биргаликда боғлар ҳам барпо этилган. Бир хилдаги мевали боғлар яратилган жойлар шу мевали боғ номи билан юритила бошланган. Ҳалқ тилида тайёр ҳолда мавжуд бўлган сўзлар – жой номига кўчган: Анорзор, Бодомзор, Боғзор, Богчинор/Чинорбоғ, Боғот, Галабоғ, Бойтерак, Боғзор, Богистон, Боғобод, Боғкўча, Гужумли, Гулобод, Гулхона, Жийдазор, Кўчабоғ, Лолазор, Мингўрик, Олмазор, Пахтаобод, Пахтазор, Пистали, Пуштибоғ, Теракзор/Теракли, Тўпқайраоч, Чинорли, Чорбоғ, Шотут, Яккагужум, Яккаёғоч, Яккатут, Қўшбоғ, Кўштерак каби номлар шу асосда яралган дейиш мумкин. Қарши микротопонимиясида маълум миллат, элат, уруғ вакиллари томонидан яратилган боғларга этнонимлар ҳам кўшиб айтилган ва шу асосда жой номи ҳосил бўлган. Масалан, Балхибоғот каби.

8. Ер рельфи билан боғлиқ ҳолда номланган топонимлар. Топонимияда бу асосда янги номларнинг яралиши кўп кузатиладиган ҳолат саналади. Буни Қарши микротопонимиясида ҳам кўриш мумкин: Баланддевор, Бозоркўча, Бозортепа, Бузравот, Гумбазариқ, Ертепа, Жангальтепа, Жартепа, Кўлтепа, Майдон, Мунҷоқтепа, Наврўзтепа, Оқтепа, Сайилтепа, Тостепа, Тошйўл, Тошли, Тошсарой, Хонтепа, Чорраҳа, Чоштепа, Шулплуктепа, Қизилтепа, Қизепа, Қўнғиртоғ, Қўшшамайдон каби.

9. Дарвоза номлари. Тўра Нафасовнинг юқоридаги китобида Қарши шаҳрининг қуидаги дарвозалари номи изоҳланганини кўрамиз: Дарвозатутак, Растандарвоза, Сақловдарвоза, Шаршардарвоза, Янгидарвоза.

10. Масжид, мадраса, қўрғон, кўприк кабилар номлари асосида яралган топонимлар: Гулмачит, Ермачит, Зарқўрғон, Заркент, Кўкгумбаз, Мачиткўча, Однамачит, Оқмачит, Оқработ, Оқсарой, Оқкўрғон, Таймир, Тахтапул, Тошсарой, Тошкўрғон, Работ, Регистон, Чаппамачит, Чимкўрғон, Чоргумбаз, Эскимачит, Қизилмачит, Қумкўрғон, Қўрғонча, Гиштқўприк каби

11. Шаҳарнинг кейинги тараққиёти билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар: Баҳористон, Бўстон, Ипакчилик, Истиқлол, Наврўз, Нуристон, Саҳрообод, Тадбиркорлар, Чўлгули, Чўлкувар, Чўлбод, Янгишаҳар, Янгиобод, Қашқадарё соҳили, Ҳуснобод каби.

Адабиётлар:

- Нафасов Т.: Нафасов Т., Турсунов Ш. Қарши шаҳар маҳалла ва кўча номлари. – Т.: Маънавият, 2008.